




# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 9 июн, чоршанба № 93 (1726)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЙЎЛСОЗЛАР Фоторепортаж

## ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ

ҳукуматимизнинг мададини чуқур ҳис этиб яшамокда

**Президентимиз Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида кўрсатиб ўтганларидек, бугунги кундаги энг асосий вазифа халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, биринчи навбатда Оролбўйи минтақасида яшайдиган одамларнинг ҳаётини яхшилаш, бу борадаги кенг қўламли тадбирларни амалга оширишдан иборат.**

Меҳр ва мурувват йиллида одамлар қалбида саховат туйғулари янада кучайганлиги кўнгилларга кўтаринкилик ва ёруғлик бағишлайди. Нукус, Тахياتош шаҳарлари, Хўжайли, Нукус, Қонлиқўл, Көгәйли, Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзақ, Кўнгирот, Тўртқўл, Амударё, Эллиқалъа, Беруний, Бўзатов каби туманларда умргузaronлик қилаётган 129 нафар 100 ёшдан ошган қариялар аҳолидан ҳабар олинди. ҳар бирага 25 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 100 миңдан ортиқ кексалар шаҳар ва туман марказлари, ширкат ва фермер хўжалиқларида бир пйёла чоғга тақриф қилиниб, моддий қўллаб-қувватланди.

Тахтақўпирдан Ш.Қалимбетов, «Маҳалла» жамғармаси республика кенгаши раиси О.Маддиёров, меҳнат ва уруш фахрийлари Н.Матмуродов, Н.Абдуллаев, И.Батутина, Т.Шербеков, О.Ярланова, Г.Урабодова кабилар билан суҳбатлашсангиз буюк истиқлолдан, ҳукуматимиз кўрсатаётган ҳамхўрликдан бениҳоя миннатдор эканликларини издор қиладилар.

2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ овулларда яшайётган 34980 кишига нафақалар тўлиниб, 3352,5 миллион сўм маблағ сарфланган.

Республикада истиқомат қилаётган 1 миллион 553 мингга яқин аҳолининг 107 миңдан зиёдини ёши улғу кишилар ташкил этади. Мамаклатимиз Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармонида мувофиқ ўзгалар парваршига муҳтож 1151 нафар яқка-ёлғиз пенсияонерлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги қарорига асосан 973 та ёлғиз киши, пенсияонер ва ногиронлар хисобга олинди.

Ногирон ва пенсияонерлар яратилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланаяптилар. Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган 83 нафар нафақакўр ва ногиронлар республика Жўқорги ва Вазирлар Кенгашлари, тегишли вазирилик ва идораларнинг раҳбар ходимларига бирикитиб қўйилган. Бундай моддий ёрдам шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳам амалга ошириляпти. Хозиргача 103092 нафар пенсияонер диспансер кўригидан ўтказилди. 78 миңга яқин қария профилаторий ва шифохоналарда даволаниб чиқди. 1461 нафарига сийхаттоҳларга йўланма берилди. 8 миңдан ортиқ нафақакўрға 29,6 миллион сўмлик имтиёзли дори-дармон, 111 та ногиронлик аравачаси, 1100 дан ортиғига қўлтиқ таёқ, хасса, эшитиш мосламалари, протез-ортепедиа буюмлари тарқатилди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан 28 банддан иборат дастур ишлаб чиқилди. Дастур бўйича ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани тақомиллаштириш, ногиронлар, қаровсиз фуқаролар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ва маънавий ёрдамнинг таъсири ва самарасини кўтариш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар, овул фуқаролар йиғинлари фаолиги ва масъулиятини ошириш, халқро жамғармалар, тадбиркорлик, кичик ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг куч ва имкониятларини ана шундай эъғу ишларга жалб этиш белги-ланган.

Эллиқалъа туманининг «Қошқора» овулида 101 ёшли муаллим Отажон бобо Қаримов яшайди. Унлаб ўғил-қизлар, 21 неварра, 72 чевара ва 35 аваралардан иборат бу катта сулолани мамлакатда яхши билишайди. Уминлиқка бағишлаган Отажон бобо ҳамон тетик ва бардам. Нафақага чиқанига 40 йил бўлишига қарамастан, мактабидан ажралгиси йўқ. Кексаларга тан бермаган бундай отахонларни қўриб қоракўлак ўшуллиларининг иродаси пўлатдан ҳам мустаҳкамлигига имон келтирсаң, киши. Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Жалил Мўятдиновнинг таъкидлашича, республикада бирон бир кекса давлат ва жамият эътиборидан четда қолган эмас.

Фахрийлар ва ногиронларни табибий қўриқдан ўтказиш сифати яхшиланди. Республикада 2 та «Мурувват уйи», ногиронлари реабилитация қилиш маркази ва «Тахياتош» нуронийлар сийхаттоҳларининг шайхатларини яхшилаш, таъмирлаш ва моддий техника базасини мустаҳкамлашга 62 миллион сўм маблағ ажратилган. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсатинда давлат бюджетидан ўтган йилга қараганда 1,21 баробар кўп маблағ сарфланган. Пенсияонер, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг санаторий-курорт муассасаларида даволанишлари учун 22 миңга имтиёзли йўланмалар ажратилди. Маҳалла-ий-минтақавий сийхаттоҳларда 370 нафар, Семашко номидаги илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларида 30, Аҳмад Яссавий номи санаторийда 50 нафар пенсияонер ва ногирон соғломлаштирилади. Харақатланиш органи бўйича реабилитация марказида ногирон болалар бўлимини очиш кўзда тутилган. Табибий меҳнат экспертизаси комиссиялари хулосасига асосан ногиронлар белгиланган касбга бепул ўқитилади ва ишга жойлаштирилади.


Кексалар, пенсияонер ва ногиронларни, овулларда истиқомат қилувчи беморларни табибий ижтимоий постраж хизмати билан қамраб олиш ишларига 52,8 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган. Бу ишга «Қизил Ярим Ой» жамиятида тайёрларидан ўтган 22 нафар ҳамшира қатнашади. Ишчиларни жамоат йушларига жалб қилиш орқали ўзгалар парваршига муҳтож 450 нафар ёлғизларга маийш хизмат кўрсатиш учун 1,7 миллион сўм маблағ ажратилган.

Жамғарма хузуридаги «Саховат» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Алланиёз оға Утемиёзов олинган даромад хисобидан мактаб, боғча, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватламодоқ. Самарали меҳнати учун «Ўзбекистон Қархониси» унвонига сазовор бўлган Алланиёз ота ўғли Ажиниёз билан ўтган йиллар давомида 40 та оилага ҳар-саховат сифатида ҳақ олмастан бошпана қўриб берди. Урта мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти қўришга бошқубўлди. Нукус туманидан А. Д а в л а т м у р о в, Тўртқўлдан Ҳ.Хўжайиёзов, Берунидан Й.Қамолов, Нукус туманидан С.Қанязов,

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкиллаштириш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ моддий ёрдам кўрсатишни сўраб тушган 23376 аризадан 20970 таси қаноатлантирилган ва бу мақсадлар учун бюджет хисобидан 512,1 миллион сўм маблағ сарфланган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига 18 ўшга бошқариш бор оилалардан 153386 киши муражжат қилган. Амалдаги Низом асосида 146359 оилага нафақа тайинланган ва бунинг учун 6037,2 миллион сўм маблағ харажат қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкиллаштириш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ моддий ёрдам кўрсатишни сўраб тушган 23376 аризадан 20970 таси қаноатлантирилган ва бу мақсадлар учун бюджет хисобидан 512,1 миллион сўм маблағ сарфланган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига 18 ўшга бошқариш бор оилалардан 153386 киши муражжат қилган. Амалдаги Низом асосида 146359 оилага нафақа тайинланган ва бунинг учун 6037,2 миллион сўм маблағ харажат қилинган.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда коммунистия тизимини ривожлантириш, хусусан, янги йўлар қуриш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида бу борада кенг қўламли ишлар амалга ошириляптир. «Тошкент-Уш» автомобил йўлида бажариляётган бунёдкорлик ишлари фикримиз далилидир.

Бу йўл бугун Фарғона водийсини пойтахт билан боғлашга қўлмай, минтақамиз мамлакатларини бир-бирига боғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида бу борада кенг қўламли ишлар амалга ошириляптир. «Тошкент-Уш» автомобил йўлида бажариляётган бунёдкорлик ишлари фикримиз далилидир.

Ангрэн йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Машрабжон Юсупов. - Йўл дунё андозаларига тўла жавоб бера олади. Унинг ўлчами, чидами ҳам шунга яраша - жуда юқори.

Довон йўли азалдан Шарқ ва Фарбин боғлаб келган. Энисиз, киши ойларида ёпиб қўйилган йўл истиқлол йилларида замон талаблари даражасида қайта қурилди.

Суратларда: (юқоридан) йўл усталари Ҳамидулло Юсупов ҳамда Салимжон Сиддиқов; (чақдан) ўз касбининг усталари Абдуназар Раимов, Тўлқинжон Абдуллақов ва Иномжон Жўраев.

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олга суратлар

### Ҳисобот сайловлар олдидан

**Касаба уюшма органларининг ваколат муддатлари тугаши муносабати билан яқин кўнларда ҳисобот сайловлар бўлиб ўтади. Унга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш жараёнида амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилиб, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини давр руҳига мос равишда тубдан яхшилаш чоралари белгиланади.**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати касаба уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги ташкилотларда ҳам муҳим тадбирга пухта тайёргарлик кетмоқда. Жорий йилнинг март ойида тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсатининг қарори билан касаба уюшма органларида ҳисобот сайловларини ўтказиш тадбирлари тасдиқланди. Шу ўринда Марказий қўмита ўз тасарруфидасидаги ташкилотларга ушбу муҳим тадбирни рисоладагидек ўтказишда қий тарзда ёрдам бермоқда деган савол туғилиши табиий.

Авалламбор бошланғич ташкилотларга касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини тушутириш учун тавсиялар берилди. Барча ташкилотларда, шу жумладан, айниқса, кўшма корхоналарда бошланғич касаба уюшма қўмиталарини тузишга эришиш вазифалари ҳам қатъий қилиб қўйилмоқда. Шунингдек, сайлаб қўйилмаган касаба уюшма органларининг сон таркиби юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасвирларига амал қилган ҳолда Марказий қўмитанинг йўриқномалари ишлаб чиқилиб, қўйи ташкилотларга етказиш тадориги қўрилмоқда. Шу билан бирга уларнинг бажарилиши муддатлари, унга масъул бўлган кишилар белгилаб қўйилди.

35-40 ёшга бўлганлар ташкил этишининг ўзидек ўқоридиғи фикримизни тасдиқлаб турибди. Бугунги кунда Фарғона электр тармоқлари, «Шўртангазим» мажмуи, «Қўқонсирт» корхонаси, Бухоро нефт-газ коллежи касаба уюшма қўмиталарини 30 ёшгача бўлган гайратли, та-

жамоа шартномаларини тузиш, улардан оқилона фойдаланиш юзасидан қўлгина ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзимёсаноат» Давлат акциядорлик компаниялари, геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси ҳамда «Ўзфармсаноат» Давлат акционерлик концерни билан касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида тармоқ келишувлари тузилган бўлиб, ўлар тармоқдаги барча кор-

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР номзодлар рўйхатида

Ушбу навбатда ҳисобот сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш жараёнида касаба уюшма етаскиларининг ишга нисбатан муносабатларини ҳамда бошқа муҳим жиҳатларни ҳар томондан чуқур таҳлил этиш, тизимга ёш, гайратли, тармоқ муаммоларини чуқур тушунадиган ва юқори савияли ходимларни жалб этиш масаласига ҳам жиҳдий эътибор берилмоқда.

Шу муносабат билан ёш, изланувчан, ташаббускор ёшлар хисобга олинди, худудий органлар ҳамда асосий ишдан озод этилган касаба уюшма қўмиталари раислигига муносиб номзодларнинг рўйхати тузилиди ва Марказий қўмита раёсатининг қарори билан тасдиқланди. Кадрлар захирасини шакллантириш - давр талаби. Захиранинг 15 фоизини 30, қарийб 50 фоизини эса

шаббускор, изланувчан кадрлар бошқариб келаятганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Юқорида қайд этилган тадбирларнинг кўнгидагидек бажарилишини таъминлаш, ҳисобот сайловларини ўтказиш, навбатдаги қурултойга тайёргарлик қўриш масаласи Марказий қўмитанинг навбатдаги Раёсат муҳокамасида атрофлича таҳлил этилади. Жойларда ҳисобот сайловларини зўр ушшоқлик ва таъкидий руҳда ўтказиш мақсадида касаба уюшма фаолларининг республика семинарини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари бўлуғуси ҳисобот сайловларини меҳнат ютуқлари билан қутиб олишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Ўтган давр мобайнида тармоқ таркибидиғи ижобий ўзгаришлар, хўжалик бошқарув органларининг тақомиллаштирилиши, корхона, ташкилотларнинг мақоми, мулкчилик шакллари ўзгариши инobatга олинган ҳолда касаба уюшма тизимини хўжалик органларининг иш услубига мувофиқлаштириш, шу йўналишни тақомиллаштириб бориш ишлари амалга оширилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни қучайтириш борасида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг III-Қурултойи қарори, Харақат дастури, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ва ижроия қўмитаси қарорларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга ҳам барча имкониятлар сафарбар этилган.

Келишувлар ва битимлар ҳамда

хоналарга етказилган. Юридик шахс мақомига эга бўлган 379 та корхона жамоа шартномалари билан қамраб олинган. Уларда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши кейинги уч йил мобайнида 93,8 дан 96,3 фоизга етказилди. Жамоа шартномалари орқали ҳар бир меҳнатқошга сарфланган маблағ кейинги уч йил давомида 3,5 баробарга ошиб, 323 миң сўмни ташкил этди. Барча келишувларда энг кам иш ҳақи, қўшимча тўловлар, устама ҳамда рағбатлантирувчи тўловларнинг аниқ миқдори белгилаб қўйилган. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш сезиларли даражада айнаш шу келишувларга бийноан ошди. Масалан, нефт-газ, энергетика ва кимё саноати бўйича энг кам иш ҳақи мамлакатимизда белгиланган миқдордан 3-4 баробар зиёд бўлиб, ўртача маош 90-95 миң сўмни ташкил этди.

Меҳнатни муҳофазат қилиш борасида ҳам асосий эътибор жойларда жамоатчилик назоратини қучайтириш, меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма қўмиталари комиссиялари ҳамда уларнинг вакиллари фаолиятини қучайтириш, уларни ўқитиб, малакаларини оширишга қаратилди. Ўтган давр мобайнида 4142 нафар вақил сайланди. Уларнинг 3502 нафарини малакалари оширилди. Тармоқдаги корхона, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги бўйича 862 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

**Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокчини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қўллаб тартибсизларга чек қўйди. Аини пайтда жойларда худудий бирлашмалар тузилиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда.**

## ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ МОЛЛАР пештахталарда қандай пайдо бўляпти?

Нижон туманида фаолият кўрсатаётган бозорларда худудий бирлашманин туман жамияти вакиллари катта савобга шерик бўлишяпти. Улар истеъмолга яроқсиз моллар билан савдо қилаётган шахсларни аниқлаб, аҳоли саломатлигига пўтур етказишни мумкин бўлган ҳолларга барҳам бермоқдалар. Жорий йилнинг шу кунигача жамият вакиллари томонидан 200 дан ортиқ кузатувлар олиб борилиб, далолатномалар тузилди. Маълумки, қарорда «Ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини қўриш алоҳида таъкидланган. Шунга қўра жамият аъзолари жойларда қарорнинг қай тарзда бажарилиши бўйича иш олиб бораётганлар. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, истеъмолга яроқсиз моллар сотишнинг ҳамон учраб турибди.

Нижон савдо ва деҳқон бозори ҳафтининг ҳар яқшанба кунини кишилар билан гавжумлашади. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларидан тор-

тиб, чорва молларига олдидек сотди қилинади. Қуриллаш бошланиб, тугалланмаган бозорда ноқулай шaroитда савдо қилаётган аҳоли учун бир талай муаммолар бор. Пештахталар бўлмаганлигидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ерга ёйиб қўйган ҳолда савдо қилинмоқда. Шуниси ажабланирлики, бу ерда санитария қоидаларига риоя қилинмаётган, пиширилган, қисқ овқат тайёрлаб, мижозларни нақираётганлар тобора

кўпайиб бораётир. Мол бозори эмасми, бир томондан чорва етаклаб келаятган харидор ногаҳон емак устидан чиқиб қолади. Санитария талабларига қўра озиқ-овқат савдо қилаётган ҳар бир ходим, албатта, оқ халат кийган, қолаверса, табибий қўриқдан ўтган бўлиши керак. Стол устида тартибсиз қалаштириб ташланган турли идишлар, пишириш учун тайёрланган ҳамир ва қийма-ланган гўшт, сабзавот маҳсулотларини қўриб таъбингиз

хирра тортади. Нишон қишлоғида яшовчи Гулсара Бойназарованин санитария қоидаларига риоя қилмай мол бозорининг ичиди турли пиширилган тайёрлаб сотаятганлигини кечириб қўйин, - дейди жамият ҳуқуқшуноси Мойли Қосимов. - Шунингдек, пиширилган балиқ, қуймоқлар, кабобларни тайёрлашда ҳам санитария талабларига риоя қилинмаяпти. Райхон Муҳаммадҷонова ҳам юқоридиғи усулда пи-

### Қарор ва ижро

ширик тайёрлаб, мол бозориди савдо-сотик қилапти. Бозордаги яна бир манзара киши диққатини тортмай қолмайди. Россия шаҳарларидан келтирилётган эски кийим-кечаклар билан савдо қилаётганлар ҳақли равишда одамлар эътирозида сабаб бўлмоқда. Яқинда туман санитария-эпидемиология назорати, туман прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган кузатувлар натижасида Зоир Ярашев оила аъзолари билан турли эски кийим-кечаклар, истеъмолга яроқсиз, замбуруғ касаллигини келтириб чиқариши мумкин бўлган бир неча турдаги эски кийим-кечакларини сотиб турганлиги аниқлиниб, далолатнома тузилди. То-

### Қарор ва ижро

варлар лаборатория текширувидан ўтказилганда истеъмолга яроқсизлиги аниқлиниб, йўқ қилинди. Келтирилётган эски кийим-кечаклардан қандай кишилар фойдаланган, бу бизга қоронғу. Фақат шуниси аниқки, турли микроблардан зарарсизлантирилмай, аҳолига арзон нархларда сотилаётган кийим-кечакларини турли тери касалликларини келтириб чиқариши табиий. Истеъмолчи ҳар қандай шaroитда ўз ҳақ-ҳуққини ҳимоя қила олиши керак. Бунинг учун сотилаётган маҳсулотларнинг сифат сертификатини талаб қилиб олиш ҳар бир кишининг бурчи. Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири

(ЎзА)

### ЖАЖЖИЛАР ЗАВҚИГА ТЎЛГАН МАСКАНЛАР

Мактабларда сўнгги кўнги-роқлар янграб, ўқувчиларни ёзги таътилларга чиққанларига ҳали кўп бўлганича йўқ. Шунга қарамастан, Хоразм вилоятининг хўшманзара ва сўлим гушаларида жойлашган оромгоҳлар жажжи ўғил-қизлар билан гавжумлашди.

### ЎзИ соғломлаштириш - юксак масъулият

Бу йил вилоятда 24 та оромгоҳ ёшларни ўз бағрига олади. Шу кунгача бу оромгоҳларнинг 10 тасида ўғил-қизларнинг завқ-шаваққа тўлган ўйин-кугуллари янграмоқда.

Бу йил вилоят оромгоҳларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларнинг 7350 нафарини фарзанди дам олдирилиши кўзда тутилган. Хива «Меҳрибонлик ўйининг» 100 нафар тарбияланувчисини Хоразм матлубот савдо компаниясига қарашли Аҳмадҷон Ёқубов номи оромгоҳи, 100 нафар тарбияси оғир ўсимлар «Хоразмпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Коинот» оромгоҳларида соғломлаштириш кўзланмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиғи билан ҳамкорликда оромгоҳларни мавсумга ўз вақтида хозирлаш ниятида қизгин иш олиб бори. Махсус комиссия тузилиб, тайёргарлик ишлари ўз вақтида ўрганиб борилади ва май ойининг охири кунинда «Автомобилчи» оромгоҳида кўргазмалар семинари ўтказилди.

Шу кундан бошлаб «БогИ Эрам», «Файрат», «Автомобилчи», «Алпомиш» оромгоҳлари дам олувчиларни қабул қила бошлади. Лекин вилоятнинг барча оромгоҳлари ҳам мавсумга тўла шай эмас. Богот туманидаги «Ўзбекистон», Гурлан туманидаги «Нихол», Урганч туманидаги «Коинот» оромгоҳларида хали таъмирлаш ишлари ниҳоясига етганича йўқ.

Махсус тузилган оромгоҳларда дам олдириш комиссияси ўтган йили йўл қўйилган салбий ҳолатлар бартарафини, овқатланиш ва унинг сифатини яхшилаш, табибий ҳимоят турларини қўлайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

З.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

### ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Сўлим Убобой етакларида жойлашган «Бўстон» ўқувчилар ёзги оромгоҳи дам олиш мавсумига пухта тозаланди. Зарбдор лавта тозалаш заводига қарашли ва масканда ҳар йили 300 нафар бола хордиқ чиқаради. Корхона маъмуриятининг савий-харакати билан оромгоҳ янги мавсумга тўла-тўксис шайланди. Павильонлар, спорт майдончалари, сув ҳавзаси сифатли таъмирланди.

Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш учун Жиззах вилоят касаба уюшмалари қўмитаси ҳам катта ҳамхўрлик қилди. Деъди оромгоҳ раҳбари Сафар Жўраев. - Болаларнинг дам олиши учун кетадиган асосий харажатлар завод хисобидан қопланади. Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг 30 нафар фарзанди бепул дам олади.

Маҳалла ва прокуратура ҳамкорлиги

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНЛАР иш билан таъминланди

Тунги гуруҳ тушган машина «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини биноси қаршида тўхтади. Унинг ичкарасидаги рациядан жойларда жамоат тартибини назорат қилаётган тезкор гуруҳнинг ахборотлари мутасил эшитилиб турарди. Асака шаҳар прокурори Абдуваҳоб Турғунбоев маълумотларни ён дафтарида қайди қиларди. Узи ҳам уяли телефон орқали қисқаска бўйруқ бераркан. «Тун» операциясининг боришидан кўнгли равшан тортиди.

Чарақлаган юлдуз тўла осмон, электор нуридан чароғон, уйдаги шаҳар юзини ялаб ўтган майин шабадан унинг чарчоғи ёзилди. Коллежлар, кўчалар, маҳаллалар, чорраларни бирма-бир кўнглидан ўтказди. Шаҳарда 53 минг нафар аҳоли яшайди. 12 та саннат корхонаси мавжуд. Бундан ташқари, 10 та умумтаълим мактаби, 4 та касб-хунар коллежи, академик лицей, 2 та бозор, марказий шаҳар касалхонаси фаолият юритади. Қўшни Қирғизистоннинг Бобкент вилоятинан Марҳамат тумани орқали Асака шаҳрига бир қадам. Рақиядан кимдир профилактика нозирини йўқлади. Бироздан сўнг масала ойдинлашди. Т.Матқубов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда тунги ўғирлик юз берганди. 24-хонадонда яшовчилардан Турсун Собиров ҳамда Қобул Ёқубовлар жиноий тил бириктириб, «Шарк» кафеини шунинг кулфини бузиб, моддий товар бойликларини умаргандилар.

Яна прокурорнинг қўлидаги уяли телефон қўйилди бошладди. А.Жомий номли кўчада тунги патрул хизматини ўтаётган профилактика нозир факультетда воқеадан прокурорни огоҳ қилди. Фуқаро Ш.Маллабобоевнинг хонадонидан ҳам қиймати 1 миллион 850 минг сўмлик тақинчоқлари ўғирланган. Прокурорнинг воқеа жойини текшириш, ўғирчи шахсини аниқлаш йўллари ҳақидаги кўрсатмалари самарасини берди. Санокли соатлар ичда тилла тақинчоқлар ўғирчи тутиб келтирилди. У ишининг ҳам ўқишининг ҳам тайини йўқ ўсимир Мухаммадхон Зиёев бўлиб чиқди.

«Тун» операцияси қўйилган натижа берди. Бозорлиги билан маҳалланинг тинчлиги ва осойиш-

судда қўрилайётган. Прокуратура аралашуви билан маҳалладошлар яраш битмига рози бўдилар.

«Мироб»лар кўчаси фалларидан А.Ҳакимова Охунбобоев номли кўча боғиши А.Юнусов, Жомий номли кўча имоми Ш.Ваҳобовлар тақдирини ҳаммага маълум тушди. Чунки улар ижтимоий химояга муҳтож, муқаддам судланганларни, ишламай, ўқимай юрган ёшларни ишга жойлаштириш масаласини кўтардилар.

«...Мана бугун ҳам ором билмади. Унинг бир оёғи шаҳар ҳокимлигида, бир оёғи «Бандлик» бўлимида бўлди. Ишончиди муқаддам судланганларни қабул қилди... Ходимларни маҳаллаларга бириктириб, меҳнат нозирлари билан ҳамкорликда жазо муддатини яқинда ўтаб қайтганларнинг оилавий, маиший шароитини, турмуш тарзини кўздан ўтказишга киришди.

Навбатчи қабулхонада бир киши! прокурорни йўқлаётганини билдирди. Кўп ўтмай ёшларда бир йигит кўринди. Бу ўша яқинда қамқондан қайтган собик маҳбус эди. Қайси корхонага иш қидириб борса, «камалган» тамғаси билан эшикдан қайтиб сарсон бўлган, охири нажат излаб ушбу идорага келган.

Абдуваҳоб шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан боғлиб, йигити бир мартали моддий ёрдам уюштирди. Кейин кўчада орқали иш жойини тайин қилди. «Универсал дўхон бозори»да иш ўрни яратилган, бошлиқлар орқали фаолиятини назорат қилиб турди.

Шаҳарда 20 нафарга яқин муқаддам судланган ёшлар эндиликда прокурор ёрдами билан рўзгоридан кўнгли тўлиб, ҳалол меҳнат билан машғул. Умуман шаҳар прокуратураси жонбозлиги билан жазо муддатини ўтаб қайтганларнинг қўнуний ҳақ-хуқуқлари тикланиб, давлат томонидан бир марталик моддий ёрдам олдилар.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири

Жазони ўтаб қайтган бир неча фуқаронини ишсиз, уйда ўтириб қолаётгани Ширин маҳалласи оқсоқолини ташвишга солди. Шу боис у туман меҳнат бўлимига мурожаат қилиб, бу масалада кўмаклашишни сўради. Узи ҳам кўп қўвиштириб ўтирмади. Сирдарё шаҳридаги корхоналар раҳбарлари билан учрашиб, муаммони хал этишга астойдил киришди. Елиб-юғриб Собир Саидвакксов, Абдулазиз Қўшмуродовларни иш билан таъминлади. Хуллас, ҳудуддаги 14 нафар жазони ўташ манзилларидан қайтган фуқаролар меҳнатга жалб этилди. Уч нафар фуқаро устидан эса жамоат назорати ўрнатилди.

ШИРИНДА БЕКОРЧИ ЙЎҚ

Оқсоқолни ўйлантирмайдиган масаланинг ўзи йўқ. Мана бир неча ойдирки, маҳалла педагог тарбиячиси Дилором Воҳидова унинг ҳол жонига қўймайди. Маҳалладаги 219 нафар ёшлар спорт анжуманларига эҳтиёж сезаяпти. Тўғри, тадбиркорлар Барот Назаров, Холбўта Саробоевлар баҳоли қудрат кўмак қўриштираётган. Аммо бу масалага ечим топиладигани эмас. Нима қилиш керак? Ана шундай ўйлар гирдобига юрганида маҳаллага Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати хо-

Касаба уюшма ёрдамга келди

га ташриф буюрди. Аммо бу муаммо деганлари адо бўлмас экан. 60 минг сўмлик жиҳозга жой, шуғулланадиган хона керак. Кўздан кечирилганда, фақат оқсоқол ўтирган хона

ШИРИНДА БЕКОРЧИ ЙЎҚ

ама шу талабга жавоб бериши мумкин эканлиги аён бўлди. «Шу хонани шохмат-шашка тўғрарига бўшатиб берамиз» деди ҳеч иккинмасдан До-ниёр Йўлдошев. Натижада 30 нафар кишига бемалол тош суриш имкони яратилди. Биз маҳалла ёшларини нафақат спорт жиҳозлари, балки малакали мураббий билан ҳам таъминлади, — суҳбатини давом эттиради Али-

шер Тоҳиев. — Аини дамда маҳаллада истикомат қилаётган фуқаролардан 40 нафарга яқини тўғрарига ёзилиди. Уларга бўш вақтларда аклини чарчлатиш, кўнни мазмунли ўтказишда имкон яратилди. Таъкидлаш жоиз, Сирдарё туманидаги Ширин маҳалласи бу борада кўпчиликни ортада қолдирган. Маҳаллда 8 та футбол, 4 та шохмат-шашка ҳамда волейбол ва баскетбол жамоалари мавжуд. Улар ҳар ҳафта кўчаларда бахшланиди. Фоллилари эса маҳалла тадбиркорлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватляпти. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, кейинги икки йилда бу ерда жиноят содир этилмади.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Корхонам — фахрим



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу корхона мамлакатимиздаги эмас, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Шу боис бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Меҳнат даргоҳида ишнинг бир маромада кетиши ва кўплаб ютуқлар қўлга киритилаётганида касаба уюшма кўмитасининг ҳам хиссаси бор. Меҳнат интимики намунали йўлга қўйилгани ҳам энг муҳим омиллар сирасига кириди. Эътиборли яна бир жиҳат мазкур даргоҳда 10 дан ортиқ турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда меҳнат қилишмоқда.

Меҳнатқашарининг самарали меҳнат қилишлари кўп жиҳатдан ижтимоий му-

Корхонам — фахрим



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

хофазага боғлиқ, — дейди касаба уюшма кўмитасининг раиси Турсунали Умаров. — Қабул қилинган жамоа шартномасига кўра меҳнатқашарга бир қатор имтиёзлар яратилган. Энг аввало, уларнинг иш ҳақларини кечикишига йўл қўймаймиз. Аини пайтда ўртача ойлик маош 40 минг сўмга тўри келмоқда. 5 та автоулов ишчиларни ўз вақтида ишга бориб қилишларини таъминламоқда. Уларга бепул тушлик ташкил этилган. Бундан ташқари, ҳудудда тиббий пункт, саргаршоҳона, сауна, спорт тўғрарлари ишлаб тури-

ди. Яна бир муҳим жиҳати, ишловчиларнинг ақсарият қисми корхона яқинидаги Халқобод фуқаролар йиғинида қурилган кўп қаватли уйларида истикомат қилишди.

Уларнинг уй-жой тўлов ҳақини 50 фоизи корхона ҳисобидан қопланмоқда. Меҳнат даргоҳида кўп йиллар самарали ишлаб, нафақат чиккан ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлига қўлайлик яратиш учун коммунал хизмат тўловларини маъмурий томонидан амалга ошириляпти. 30 йил ишлаб нафақат кузатилаётган ходимларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Бугунги кунда ёшлар жамоанинг ўзганини ташкил этмоқда. Маъмурият томонидан кўрсатилаётган ҳомийлик ва муруватдан улар ҳам четда қолишмаётгани йўқ. Масалан, тўй маросимларида ёш ходимга моддий кўмак қўриштириб, 3 кунлик таътил берилади. Фарзанд туғилган пайтда ҳам 15 минг

ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ҲУҚУҚ ЮРТИЛА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ.

ИҚТИСОДЧИ ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Унда ўттизга яқин олий ўқув юрти талабаси иқтисод, ташкилотчилик ва бошқариш, молия ва кредит, статистика, хусусийлаштириш каби йўналишлар бўйича ўз билиминини синовдан ўтказди. Иқтисод, ташкилотчилик ва бошқариш фанидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Гулноза Ахророва, молия ва кредит йўналиши бўйича Бухоро давлат университети талабаси Шахризода Хасанов, статистикадан Тошкент молия институти талабаси Карена Зиганшина голиб деб топилди.

«ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ»

Яқинда «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи ўтказилди. Унда 200 нафардан ортиқ киши иштирок этди. 10 та жанр бўйича уюштирилган танловда Норин ва Косонсой туманлари жамоалари голибликни қўлга киритишди. Учқўрғон тумани 2-мактаб ва Янгиқўрғон тумани 10-мактаб жамоаларининг қишқилари эса томошабиларда катта таассурот қолдирди. Голиблар эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

КАСАБА УЮШМА БУРЧАГИ

Наманган вилояти алоқа ходимлари ташаббуси билан «Касаба уюшма гуруҳи бурчаги» ташкил этилди. Ушбу бурчак 3 бўлимдан иборат бўлиб, ундан кўмита билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномаси, ички тартиб қоидаларига оид ҳужжатлар, касаба уюшма ҳаётига оид маълумотлар урин олган. Шунингдек, бурчакда ушбу тармок кўмитаси ҳаёти ва фаолиятига доир аниқликлар бериб борилади.

Хозирда мазкур касаба уюшма гуруҳи бурчаги ишловчилар билан янада яқинроқ боғланишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ДАВОЛАНИШ УЧУН ЕВРОПА ШИФОХОНАЛАРИГА

Республиканинг турли вилоятларидан махсус тиббий ёрдамга муҳтож 30 нафардан ортиқ бола Европа мамлакатларининг энг яхши шифохоналарида бепул даволанди. Бунга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ва «Фриденсдорф-Интернешл» халқаро ташкилоти (Германия) ўртасида икки йил аввал тузилган уч томонлама шартноманинг амалга оширилиши тўғрисида маълумот берилди.

Мазкур хайрия дастури шу кунларда «Фриденсдорф-Интернешл» халқаро ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигида делегациянинг Ўзбеки-

ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ҲУҚУҚ ЮРТИЛА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ.

ИҚТИСОДЧИ ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Унда ўттизга яқин олий ўқув юрти талабаси иқтисод, ташкилотчилик ва бошқариш, молия ва кредит, статистика, хусусийлаштириш каби йўналишлар бўйича ўз билиминини синовдан ўтказди. Иқтисод, ташкилотчилик ва бошқариш фанидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Гулноза Ахророва, молия ва кредит йўналиши бўйича Бухоро давлат университети талабаси Шахризода Хасанов, статистикадан Тошкент молия институти талабаси Карена Зиганшина голиб деб топилди.

«Ишонч» фойш этади

маслик ва улгуржи савдо тартибларини бузиш билан боғлиқ 48 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан қўнунга хилоф равишда арок-вино, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 10 та яқинри ишлаб чиқариш цехларини фойш этиб, улардан 2 миллион 471,6 минг сўмлик сифатсиз маҳсулот ва қўлбола ускуналар дилирий ашё сифатида олинди. Шунингдек, божхона назоратини четлаб, товарларни республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб келиш ва савдога чиқариш юзасидан 8 та жиноят ва 63 та маъмурий иш қўзғатилди.

ҲУЖАТСИЗ ВА РУХСАТСИЗ ТОВАР МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРИ БИЛАН «САВДО» ҚИЛАЁТГАНЛАР

Хасанова тегишли бўлган савдо дўконида махсус рухсатнома ва акция марказиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилаётгани аниқланди. Ноқонуний иш юритган тадбиркор 598 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Бундан ташқари, унинг 410 минг сўмликдан ортиқ товар моддий бойликлари ҳам муқаддам қилинди. Олтириқлик «Карим ота» хусусий фирмаси раҳбари Хасим Ақбаровнинг қилиши эса ҳаммасидан ошиб тушди. У фирма ертўласидан инсон ҳаёти, саломатлиги учун хавфли бўлган спиртли ичимликлар ишлаб

«Ишонч» фойш этади

маслик ва улгуржи савдо тартибларини бузиш билан боғлиқ 48 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан қўнунга хилоф равишда арок-вино, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 10 та яқинри ишлаб чиқариш цехларини фойш этиб, улардан 2 миллион 471,6 минг сўмлик сифатсиз маҳсулот ва қўлбола ускуналар дилирий ашё сифатида олинди. Шунингдек, божхона назоратини четлаб, товарларни республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб келиш ва савдога чиқариш юзасидан 8 та жиноят ва 63 та маъмурий иш қўзғатилди.

Эътиборли томони, вилоятда қонунларни таъриб қилиш, фуқаролар ҳуқуқий онгини ўстириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Натижада 24 миллион сўмдан ортиқ қўшимча солик ва тўловлар фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда тўланди.

Харакатлар жазосиз қолмади. Ўтган вақт давомида иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликни мустақамлаш бўйича 251 та текширишлар ўтказилиб, 245 та қонунбузилишлар аниқланди. 44 та жиноят ва 196 та маъмурий иш қўзғатилди. Мазкур ишлар юзасидан олиб борилган суриштирув ва терговолди ҳаракатлари давомида қўшимча солик ва молиявий жарималар ҳисобидан 72 миллион 934,8 минг сўми ундириб олинди. Маҳсулотни назорат-қасса машинасидан ўтказмасдан сотиш, тушумларни банк муассасаларига топшир-

Расулжон КАМОЛОВ



**Футбол тараққий этган сари бу борада кўп нарсаларга аклимиз етадиган бўлиб борапти. Энди нафақат майдондаги ўйинни оддий кўз билан кўриб томоша қилишга, балки унинг икки-чигирисига, олди-орқасида рўй бераётган воқеа-ходисаларига фаросатимиз ета болади. Эҳе, сиз ва биз оддий ўйин-да, дега изоҳлаган футбол канчадан-канча сир-синоватларга эга эканлигини тасаввур қилиш кийин экан. Гап профессионал футболчилар касабаси ҳақида кетаётганлигини аниқлаш бўлсангиз керак...**

Европада бу тизим тиклангани анча йиллар бўлди. Осиёда ҳам футболни ривожланган мамлакатлар бу тизимда иш юритаётганлиги бор гап. Россия, Украина, Грузия каби мамлакатларда ҳам шу номдаги ташкилотлар иш олиб борапти. Марказий Осиё давлатлари бўйича эса фақат Ўзбекистон бундан ташаббусга кўл урган. Аникроги, кўл урганди. Юртимизда илк бор иш бошлаган уюшмага Россиядаги уюшмага мос равишда, уларнинг фаолияти жиддий ўрганилган ва айрим бандлари бизнинг шартитларга мослаштирилган ҳолда асос солинганди. Маълумки, Россия профессионал футболчилар касабаси уюшмаси 1994 йилда тузилган бўлиб, унга яқин-яқингача машҳур ҳимоячи Вагиз Хидиятуллин раҳбарлик қилиб келаётганди. Шу йилнинг баҳорида уюшма раҳбарлигига ҳуқуқшунос, ФИФАнинг махсус кўмитаси аъзоси Александр Елевский сайланди.

# БОР ЭДИ, ЙЎҚ ЭНДИ

## Ўзбекистон профессионал футболчилар касабаси бор-йўғи икки йил умр кўрди

лият юритаётган Алишер Никбаевнинг сая-характи билан янги уюшма тузиш характи бошланди. Шу мақсадда ташкил этилган дастлабки йи-



чилидан Нейматулло Қуттибоев, Владимир Бунтов, мураббийлардан Шухрат Мақсудов ва Ботир Мирзаев ушбу таркибга киритилди.

дан сўнг уюшма раислигига ўша пайтда катта футбол билан хайрлашишга тайёргарлик кўраётган Игор Шквирин сайланди. Уюшма котибалигига Гузал Шумская, ҳисоб-китоб ишлари эса Людмила Ржевская зиммасига юклатилди. Шунингдек, уюшманинг таъсис конференцияси қатор аъзоларини белгилди. Футболчи-

ни уюшма номига юборса бўлган.

3. Футболчиларни нафақага кузатиш маросимини тадбир сифатида ўтказишни ҳам уюшма ўз зиммасига олади. Хабарингиз бор, бундай тадбир фақатгина Шухрат Мақсудов ва Азамат Абдураимовлар мисолида ўтказилган, ҳолос. Ушанда ҳам Мақсудовга Юрий Сар-

кисан, Абдураимовга эса бир неча хомийлардан бош-қош бўлган.

Уюшма ташкил топган, озми-кўлми иш олиб борди ҳам. Айнан Шквириннинг югурути билан уюшма ҳисоб рақамига оз-моз маблағ тушган. 40 нафарга яқин футболчиларнинг аризалари ўрганилган, аксарияти ижобий ҳал бўлган. Офис масаласи ҳал бўлгунча эса УФФ уюшмага ўз биносидан жой бериб турган. Лекин иш узоққа бормади. Клублар, аниқроғи, футболчиларнинг ўзлари уюшманинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмадилар. Вақоланки, футболчилар маоши, муқофоти ва бошқа моддий таъминланувчи воситалари эвазига касабаси уюшма ҳисобига атиги бир фойздан маблағ ўтказишни лозим эди. Бу бир фойз вақти келиб ўзига катта миқдорда фойда беришига шубҳаланган футболчилар эса ташаббусини қўллаб-қувватлаш ўрнига...

Уюшма вакиллари қанча елиб-югурмаслар клублар керакли маблағларни ололмадилар. Оддий мисол, конференция йиғилишида

### Ажабо!

«НБУ Осиё» клуби вакиллари ҳам бор эдилар, улар ҳам тасдиқлаш чоғида қўлларини кўтаргандилар. Ижрога келганда эса, бўйин товлашди.

Охир-оқибатда бу кетишда бир иш чиқишига «кўзи етмаган» Игор Шквирин «Қрилья Советов» клубидан тушган таклифни иккиланмасдан қабул қилди-ю, Россияга жўнаб кетди. Эгасиз қолган уюшма ҳам турган гапки ўз фаолиятини тўхтатди. Бу пайтга келиб сана 2002 йилнинг декабр ойи эди.

Орадан бир ярим йил ўтди. Касба уюшма ҳақида ҳеч қаерда лом-мим дейилмади, демакки, ташаббус унутилган эди. Шунинг учун, ушбу гоа муаллифи, ташкилотчиси Алишер Никбаевнинг ўзидан бу ҳақда сўрадик.

— Бу уюшма биринчи галда футболчиларнинг манфаатлари учун ташкил топганди. Уюшмага маблағ туширишда футболчиларнинг ўзлари «оқсадилар», қолаверса, уюшма иш юритмачи, бирорта футболчи ҳам ҳеч қимдан ҳеч нарсани талаб етмади. Демак, биз ҳозир бунга тайёр эмас эканмиз. Футболчиларимиз эртани эмас, фақат бу билан банд эканлар.

— Энди уюшманинг тақдирини нима бўлади? — Бундан мендан эмас, футболчилардан сўраш керак. Айтишди-ку, «чакалоқ йиғламаса, она сут беримайди» деб.

— Демак, «ётигил қозон ётипкилигича қолавереди», шундайми? — Ҳа, шундай.

**Ойбек ЮНУСОВ.**  
(«Ўзбекистон футбол» газетасидан кўчириб босилди)



### Чақирув муваффақиятли ўтди

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ

ҳар бир йигитнинг орзусига айланмоқда

«Мудофаа тўғрисида»ги умумий ҳарбий мажбурият, ҳарбий ва муқобил хизматга доир қонунлар Қуролли қучларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунларнинг бажарилишини таъминлаш вилоят, шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу масъулиятни топишриқанда бажаришга қўл кўриш зарур. Баҳорги чақирув тадбирлари якуни юзасидан нималар дейиш мумкин?

Чақирув комиссияларидан муваффақиятли ўтган йигитларимиз ҳарбий қисмларга йўл олиб, хизматини бошлаб юбордилар. Бўлажақ аскарларнинг Қуролли қучлар сафига қабул қилиниши учун сафарбарлик ишлари билан танишиш мақсадида Каттакўрган туман ва шаҳар мудофаа ишларининг бўлимида бўлди.

— Республика Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Республика Қуролли қучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарориди қўрастиб ўтилган вазирадандан келиб чиқиб, баҳорги чақирувни намунали ташкил этиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширдик, — дейди бўлим бошлиғи полковник Эркин Қаюмов.

Тиббий комиссиялар таркиби ва фаолияти ўрганилиб, улар малакали мутахассислар, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. Қолаверса, армияда илохотлар бошланганлиги, хусусан, хизмат муддатлари қисқарганлиги ҳам инобатга олинди.

— Муддатли ҳарбий хизмат билан бирга сафарбарлик чақирув резервиди хизматга ҳам йигитлар саралаб олинмоқда, — дейди шу хизмат тури билан махсус шугулланувчи бўлима бошлиғи майор Шахриёр Матназаров.

Маълумки, сафарбарлик чақируви/резервиди хизмат — муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақириш муддатини кечиктириш ва ундан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, фақат навбатдаги чақирув давомида Қуролли қучлар сафига қабул қилинган шахслар томонидан ўтказилган ҳарбий хизмат туридир. Сафарбарлик чақирув резервиди хизматни ўташ шартли фуқароларни пул, бадали тўлаши ва хизмат мобайнида ойлик йиғинларга ҳарбийча қадр сафарбарлик чақируви резервиди хизмат сафига олинадди. Ҳозирча бу хизмат учун тўланадиган сума миқдори ўзгаргани йўқ. Яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробари (136 минг сўм) миқдориди сақланиб турибди. Ойлик ҳарбий ўқув йиғинлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Жорий этилган хизматнинг бу янги турини ёшлар ва ота-оналарга тушунтириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бунда «Нуроний» ва «Қамолот», «Маҳалла» кенгашлари, туман ва шаҳар бўлимлари ҳамкорлик қилмоқдалар. Шартномада қўрастилган шартларнинг тўлиқ бажарилишида туман ва шаҳар прокуратура ходимлари томонидан, доимий назорат қилиниб, мунтазам равишда таҳлил қилиб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларда ҳарбий хизматга иштиёқ жуда баланд. Шу сабабли Ватани қўриқлаш учун соғлом, баркамол етук йигитларни саралаб олиш имконияти пайдо бўлди. Энг муҳими, ота-оналар фарзандлари Ватан ҳимоясига овланганидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис қилаётганликлари гоят қувончлидир.

Бугун ёшларга энг замонавий қуроллар ишониб топшириб қўйилди. Улар — Ватанини ҳимоя қилиш муқаддас бурчи эканлигини яқши биладилар.

Муस्ताқил мамлакат Қуролли қучларида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига ва фахрига айланмоқда.

**ДИЛШОД ШАҲАРОВ**

Озарбайжон халқининг миллий байрами — Республика куни муносабати билан Тошкентдаги Le Meridien Tashkent palace меҳмонхонасида озарбайжон пазандачилиги кўни ўтказилди. Тадбирда Сеул шаҳридаги халқаро танловдан кайтаётган Озарбайжон миллий пазандачилиги маркази бош директори Тоҳир Амраслонов қатнашди.

### ОЗАРБАЙЖОН ПАЗАНДАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Озарбайжон республикасининг Ўзбекистондаги Фуқуқдода ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков жамоатчилик вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари олдиди сўзга чиқиб, озарбайжон миллий пазандачилигининг ўзига ҳо хусусиятларига тўхталиб ўтди. Элчининг сўзларига қўра, озарбайжон ошонхонасида гўшт, ун, сут ва бошқа маҳсулотлардан ранг-баранг таомлар тайёрланади.

— Ўзбек пазандачилиги ҳам қадимий ва бой аъналарга эга, деди Тоҳир Амраслонов. «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ўзбек миллий ошпазлари жамоасининг Миллати жаҳон мусобақасида илк бор иштирок этиб, юқори ўринни қўлга киритганлигидан хабарим бор. 1992 йилда Ўзбекистон жаҳон пазандачилиги ташкилотлари бирлашмасига аъзо бўлди.

Т.Амраслонов Тошкентга элликдан зиёд озарбайжон таомларини келтиришганини таъкидлади. Давлат озарбайжон миллий кулинария марказига хомийлик қилади, унинг хориждаги тарғиботига қумаклашади. Озарбайжон пазандачилигига бағишланган 11 та китоб, шунингдек, хорижий матбуотда 600 та мақола чоп этилган.

### ЎҚУВ-ТРЕНИНГ

Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейда «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларида физика, кимё ва биология фанларидан лаборатория машғулотлари ўтказиш» мавзусида республика ўқув тренинги бўлиб ўтди.

Республика ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва вилоят бошқармаси ҳамда «Eixolding» очик акциядорлик жамияти ҳамкорликда ўтказган ушбу ўқув тренингда республикамизнинг барча вилоятлари касб-хунар коллежлари фан ўқитувчилари қатнашди.

Ўқув-тренингнинг асосий мақсади ривожланган давлатлар — Жанубий Корея, Япония ҳамда «Eixolding» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган лаборатория жиҳозларидан умумий фойдаланиш ҳамда ўқитувчилар малакасини оширишдан иборат, — деди вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи М.Холмухамедов.

Коллежларнинг ўқитувчилари соҳада амалга оширилган ишлар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

«Туркистон-пресс»

### Хотира

## УСТОЗ РАҚҚОСА

Республика ўқувчилар саройида ёш раққосларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мамлакатимизда биринчи марта уштортириш бор ижодий кўрик машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланди.

Ушбу тадбир ёш истеодларнинг ўзбек миллий рақс санъатига бўлган меҳрини ошириш, ёш ижрочилар орасидан қобилиятли иштирокчиларни аниқлаш йўлида муҳим омил бўлди.

Уч кун давом этган ижодий кўриқда унинг ижрочилари Кундуз Мирқаримова, Қодир Мўминов, Насиба Мадраҳимова каби таниқли санъаткорлар билан учрашиб, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлдилар.

Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним уй-музейларига қилинган экскурсия ҳам ёшларда яқши таассурот қолдирди.

### «ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ»ДА

## ЧЕМПИОНЛАР ВОЯГА ЕТМОҚДА

Спортчи на таътил, на дам олиш кўнини билади. Чунки у хамини юксак спорт формасида бўлиши, маҳорат пиллапоаялари сари тинмай интилиши керак.

Тойлоқ туман «Олимпия заҳиралари» касб-хунар коллежида олти ош нафара яқин талаба етти спорт йўналиши бўйича таҳсил олмақда. Айни вақтда коллеж талабалари Самарқандда бўлиб ўтадиган Универсиада иштирокчиларини қабул қилиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Коллеж ҳовлисига киришингиз билан баҳри динлингиз очилади. Дид билан экилган минглаб туп мевали ва манзарали дархатлар, гулзорлар дархот ўзгача кайфият бахш этади кишига. Бу коллеж аҳлининг ободончилик ишлари алоҳида эътибор бераётганлигидан далолат. Мавжуд ошхона ва дам олиш хоналарининг шинамиллигини айтмайётишмайди. Айниқас билан етти хонасидаги замонавий жиҳозлар, шарт-шароитлар ёш спортчиларнинг кучига куч файратига файрат қўшмоқда. Футбол, кураш, академик эшак эшиш, байдарка ва каное экичларига ҳаёт қайнайди.

Иқтидор эгалари маҳоратини ошириш ва синовдан ўтказиш учун тез-тез мусобақалар уюштиришмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда. Ёш спортчилар турли йўналишлар бўйича вилоят ва республика мусобақаларида пешқадамлик қилмоқдалар.

Рафаэл Исомов, А.Жўрабоев, Шавкат Жўраев, Дилшод Мансуровлар коллежининг ифтихори. Собик талабалар халқаро майдонларда фаол қатнашиб,

Коллежда тикланиш ва соғломлаштириш, даволаш маркази мавжуд бўлиб, ЭКГ, массажа ва физиотерапия муолажалари мунтазамлилик асосида йўлга қўйилган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва керакли дори-дармонлар билан тўла таъминланган.

—Ҳар бир талаба Ватан шарафига учун тинимсиз изланиши, маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши кераклигини яқши англайди, — дейди коллеж директори Баҳодир Саидов.

**А.РАҲМОНОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

### Оғрик нуқталар

Умумтаълим мактаблари моддий техника ҳолатини ўрганиш ва 2004-2008 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссиянинг йиғилишида илм даргоҳларини таъмирлаш, янгилаш ва жиҳозлаш талаб даражасида эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Нукус шаҳрида ҳам халқ таълими соҳасида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шартитлар яратилди. Қорақалпоғистон пойтахтидаги 43 та умумтаълим, 48 та мактабгача тарбия масканларида 7158 нафар касба уюшма аъзолари меҳнат қилаёпти. Таълим ва фан ходимлари касба уюшма тармоқ кўмитасининг вакилиги ижтимоий шерикчилик таъмоиллари асосида муаллимлар, тарбиячилар ҳамда хизматчиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муқофазасини яхшилаш борасида бир мунча ишларни амалга оширяпти. Мактабларнинг ўқувчилари фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб, голиблар сафидан жой эгаллаб келяпти.

Ютуқлардан ҳар қанча фахрланмас арзийди. Узининг 70 йиллигини нишонлаган шаҳри азиямда ҳамма илм масканлари ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бу ердаги 11 та мактабни шунингдек, спорт жиҳозлари етишмайди.

Мактабларни қўйиб турайлик, шаҳар халқ таълими бўлими биносидаги ҳозирги ҳолатни кўриб хайратдан ёқа ушлайсиз. Маърифат муассасаси аллақачон таъмирмига му-

тож бўлиб турибди. Бинога кириверишдаги зинапоаяларнинг гишлари қўйиб кетган. Хоналарнинг поллари кўп вақтдан бери бўёқ кўрмаган. Кўримсиз хоналардан зах хиди анқийди.

# РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Каровсиз иморатнинг аҳволини изоҳлаб беришни шаҳар халқ таълими бўлими мудири А.Еримбетовдан сўрамоқчи эдик, уни излаб топиб бўлмади. Телефон орқали мулоқотимиз ҳам қутулган самаратни бермади.

Меҳнатқашлар ҳуқуқининг ҳимоясини ҳисоблаган таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар вакилиги мутасаддилари ҳам юқориди қамчиликларни кўравериб кўниқиб кетишганга ўхшайди.

Мамлакат бўйича мактабларнинг моддий базасини мустасхкамлаш дастури ишлаб чиқилди. Шу баҳонада халқ таълими бўлими биноси ҳам янгидан сайқал топса айни муддао бўлур эди.

**ЁЛҚИН**

### УНИВЕРСИТЕТ ОРОМҲОҲИДА

Ҳозир мамлакатимиздаги олий ўқув юртлиари болалар оромгоҳлари ҳам эга бор-роғлар қўйишда жойлашган бу сўлим гўшалар ўғил-қизлар билан яна гавжум бўлиб қолди.

Тошкент Давлат техника университетига қарашли «Лочин» болалар оромгоҳида ҳам ўқувчилар ёзига пухта тайёргарлик кўриди.

Унда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, ишчи-ҳодимлари фарзандларидан 400 га яқини ёз гашини суради.

Бу ерда амалга ошириладиган маданий тадбирлар ҳам мавсумнинг янада қизиқари бўлишини таъминлайди. Университет талабалари бадий жамоалари томошалари болаларга завқ-шавқ бағишлайди.

Муҳими шундаки, мавсумнинг охири чораги бутунлай республикамизнинг экологик ноқулай ҳудудлари болалари ихтиёрига берилади. Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилоятидан ҳам қўллаб-қувватлаш олиб келинади.

### ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

«Биз қўёш сари интиламиз» деб номланган янги ҳужжатли фильм яратилди. «Ўзкоммункуватташкитотчи»

### Хабарлар оқимидан

намоийш қилди. Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган ушбу танловда яна қатор ўзбекистонлик ёш опера хонандалари муваффақиятли қатнашдилар.

### МУҲИМ ХОМАШЭ МАНБАИ

«Шўртангаз» комплексининг бунёд этилиши билан мамлакатимизда кимё саноатини янада ривожлантириш истикболлари юзга келди. Полимерлар кимёси соҳаси билан шугулланаётган мутахассислар ҳам ўз изланишларини корхона маҳсулотларидан янги хил полимерлар олиш жараёнларига қарата бошладилар.

Ўзбекистон фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институту лабораториясида полиэтилен қилинган шундай ҳам шу асосда юзга келди. Госсипал смоласи аминли қўндирма, графитли сурков мойларини ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бу самарали изланишлар натижалари асосида яна қатор полимер препаратларини ҳосил қилиш усуллари яратилди.

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир **Мирғиёс КАЙМОВ**  
Муассис: **Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси**

Таҳрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.45

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.